

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Обидов Бобуржон Маъмуржон ўғли

БМА магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада ривожланган мамлакатлар мисолида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) жорий этилиши жараёни, унинг хусусиятлари ва юзага келаётган муаммолар таҳлил қилинган. Жумладан, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Хитой ва Жанубий Корея каби давлатлар тажрибаси ўрганилиб, улардаги ислохотларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, амалий натижалари ва молиявий ҳисобот шаффофлигига таъсири очиб берилган. Мақолада МҲХСнинг жорий этилиши орқали миллий ҳисобот тизимининг халқаро молиявий бозорлар билан интеграция даражаси ҳам баҳоланади. Муаллифлар халқаро стандартларни жорий этишдаги стратегик ёндашувлар, инфратузилмавий тайёргарлик ва кадрлар салоҳиятининг аҳамиятини таъкидлайди. Шунингдек, Ўзбекистондаги ислохотлар учун мазкур тажрибалар асосида амалий тавсиялар ҳам берилган.

Калит сўзлар: Молиявий ҳисобот, халқаро стандартлар, МҲХС, ҳисоб юритиш, молиявий шаффофлик, ривожланган мамлакатлар, қиёсий таҳлил, иқтисодий интеграция, ҳуқуқий база, корпоратив ҳисобот.


Abstract: This article analyzes the implementation status of International Financial Reporting Standards (IFRS) in developed countries, focusing on the legal, practical, and institutional aspects of the reform process. The study examines the experiences of countries such as the United Kingdom, Germany, the United States, China, and South Korea, evaluating the regulatory framework, achieved outcomes, and the impact on financial transparency. The article also assesses how IFRS adoption contributes to the integration of national financial reporting systems into global capital markets. The authors highlight the importance of strategic planning, infrastructure readiness, and professional capacity in successfully transitioning to IFRS. Furthermore, practical recommendations are provided for Uzbekistan, drawing on the experiences of these developed economies.

Keywords: Financial reporting, international standards, IFRS, accounting, financial transparency, developed countries, comparative analysis, economic integration, legal framework, corporate reporting.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) бугунги кунда ривожланган давлатлар иқтисодиётида мустаҳкам ўрин эгаллаб, молиявий ахборотни тақдим этишнинг асосий меъёрига айланди. Ушбу давлатларда МҲХС фақат банклар ёки йирик корпорациялар учун эмас, балки кичик ва

ўрта корхоналар, суғурта ташкилотлари ва ҳатто нодавлат тузилмалар учун ҳам ҳисобот юритишнинг ҳуқуқий ва амалий асоси сифатида қўлланилади.¹³

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) ҳозирги кунда дунёда энг кенг тан олинган ҳисоботлаш меъёрларидан бирига айланган бўлиб, уларни жорий қилган давлатлар сони 140 дан ортиқни ташкил этади. Бу давлатлар қаторига Европа Иттифоқи мамлакатлари, Австралия, Янгидан Зеландия, Осиёдаги қатор иқтисодиётлар, Лотин Америкаси ва ривожланаётган бошқа минтақалар ҳам киради.



1-расм. Минтақалар бўйича МХХС қабул қилган давлатлар улуши

МХХСнинг глобал миқёсда жорий этилиши натижасида мамлакатлар ўртасидаги миллий ҳисобот тизимларида кузатилган фарқлар тобора қисқара бошлади. Бу эса халқаро бухгалтерия муҳитида ҳисобот мазмуни ва сифатига таъсир этувчи омилларни чуқурроқ таҳлил қилиш имконини бермоқда. Шу билан бирга, стандартларни қўллашнинг кенгайган доираси ҳар бир мамлакатнинг институционал тузилиши, иқтисодий сиёсати ва меъёрий-ҳуқуқий муҳитига мос равишда шаклланмоқда. Масалан, 116 та давлат МХХСни акциядорлик жамиятлари ва ҳисобот топширувчи ташкилотлар учун мажбурий қоидалар даражасига кўтарган.

Жаҳон амалиётида МХХСни жорий этиш бўйича ҳар бир давлатнинг ўзига хос ёндашуви ва тажрибаси шаклланган. Жанубий Корея мисолида кўринишича, 2011 йилдан бошлаб барча рўйхатдан ўтган компаниялар учун ушбу стандартларни мажбурий қилиб жорий этган. Шу жараёнда рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, молиявий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш механизми ишлаб чиқилган. Бу эса инвесторлар учун маълумотнинг очиқлиги ва тезкорлигига хизмат қилган ҳамда Кореяда МХХСнинг муваффақиятли жорий этилишига замин яратган.

Вьетнам Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)ни жорий

¹³ Pacter P. IFRS as Global Standards: A Pocket Guide. – London: IFRS Foundation, 2015. – B. 5

этишга интилувчи ривожланаётган мамлакатлардан бири сифатида қайд этилади. Мамлакатда иқтисодиётнинг ташқи бозорларга тобора интеграциялашуви ва хорижий сармоядорларни жалб этиш эҳтиёжи миллий ҳисобот тизимини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш заруратини юзага келтирди. Шу мақсадда, Вьетнам МҲХСни қабул қилишга қаратилган ислохотлар дастурини ишлаб чиқди ва амалга жорий эта бошлади. Аммо бу жараён бир қатор тўсиқлар ва институционал муаммоларга тўқнаш келди.

Мамлакатдаги энг асосий муаммолардан бири — малакали бухгалтерлар ва аудиторлар етишмаслигидир. МҲХСда ҳисобот юритиш ҳисобчилардан нафақат рақамлар билан ишлаш, балки иқтисодий мазмунни тушуниш ва таҳлил қилиш қобилиятини талаб қилади. Вьетнамда эса миллий таълим тизимида бу йўналиш бўйича етарли билим ва амалиёт берувчи мутахассислар ҳали ҳам етарли эмас. Шунинг учун, хорижий компаниялар билан ҳамкорлик қилаётган субъектлар кўп ҳолларда чет эл мутахассисларига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда.

Техник инфратузилма ҳам МҲХСга мос равишда ривожланмаган. Ҳисоботларни автоматлаштириш, рақамлаштириш ва стандартлаштиришга доир дастурий таъминотлар кам тарқалган, жорий этилаётган тизимлар эса кўпинча маҳаллий шарт-шароитларга мослашмаган. Бу эса ҳисоботни электрон форматда тайёрлаш ва таҳлил қилишда турли носозликларга олиб келади. Шу сабабли, амалдаги ҳисобот шакллари кўпинча МҲХС талабларига тўлиқ мос келмайди.

Яна бир жиддий тўсиқ — бу тил муаммосидир. МҲХС расмий таржималари кўп давлатларда миллий тилда тайёрланган бўлса-да, Вьетнамда бу жараён кечикиб борди. Ҳатто мавжуд таржималарнинг кўпчилиги профессионал эмас, нотўлиқ ва англашувда chalkashliklar келтириб чиқарадиган даражада бўлди. МҲХС каби талабчан меъёрларнинг нотўғри ёки юзаки талқини эса молиявий ахборотнинг сифатсизлигига олиб келади.

Вьетнамдаги муаммолар нафақат ички, балки ташқи сармоядорлар нуқтаи назаридан ҳам хавотир уйғотмоқда. Инвесторлар учун ҳисобот маълумотларининг аниқ, шаффоф ва халқаро мезонларга мос бўлиши муҳим ҳисобланади. МҲХСни тўлиқ жорий эта олмаслик — бу хусусиятни таъминлай олмаслик деганидир. Шунинг учун, Вьетнам ҳукумати кейинги йилларда кадрлар тайёрлаш, инфратузилмани янгилаш ва расмий таржималарни такомиллаштиришга катта эътибор қаратмоқда.

Шу билан бирга, Вьетнам тажрибаси ривожланаётган мамлакатлар учун ўта аҳамиятли сабоқ ҳисобланади. Мамлакатдаги тўсиқлар ва муаммолар МҲХСни жорий этиш фақат ҳуқуқий қарор қабул қилиш билан чекланиб қолмаслигини, балки унинг институционал, тил, кадрлар ва технологик

базаси ҳам тўлиқ тайёр бўлиши кераклигини кўрсатади. Агар бу талаблар инобатга олинмаса, стандартларни расман жорий этган ҳолда, амалда уларга мос ҳисобот юритиш қийин бўлади. МЕНА минтақаси (Яқин Шарқ ва Шимолий Африка)да эса стандартларни жорий этишда маданий, диний ва ҳуқуқий омиллар ҳал қилувчи ўрин тутган. Ушбу минтақада иқтисодий ва институционал барқарорлик даражаси турлича бўлгани сабабли, стандартларни қабул қилиш даражаси ҳам бир хил эмас.

Хитой эса МХХСни тўлиқ жорий этишдан кўра, унинг асосий принципларини миллий стандартлар билан уйғунлаштириш йўлини танлаган. Яъни, ҳисоботни юритишда умумий стандартлар тузилиши ва ҳисобот таркиби халқаро талабларга яқинлаштирилган, аммо маҳаллий хусусиятлар ҳам сақлаб қолинган. Бу эса Хитойнинг халқаро молиявий майдонга босқичма-босқич интеграциялашувида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Хитой Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)га нисбатан эҳтиёткор, бироқ стратегик ёндашув билан ҳаракат қилаётган давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакат халқаро ҳисобот тизимларига тўғридан-тўғри ўтиш ўрнига, ўзининг миллий бухгалтерия стандартларини босқичма-босқич МХХСга яқинлаштиришни мақсад қилган. Бу билан Хитой ҳам ички иқтисодий манфаатларини сақлаб қолмоқда, ҳам глобал молия тизимида интеграциялашув учун асос яратмоқда.

Хитой молия вазирлиги ва регулятор органлари 2006 йилдан бошлаб “Chinese Accounting Standards for Business Enterprises” (CAS) номли миллий стандартлар тўпламини ишлаб чиқди. Ушбу стандартлар тузилиши ва асосий принциплари жиҳатдан МХХСга жуда яқинлаштирилган. Шунингдек, Хитой МХХСни қабул қилган давлат сифатида расман қайд этилмаган бўлса-да, унинг миллий стандартлари амалий жиҳатдан халқаро талабларга жавоб беради.

Бугунги кунда Хитойдаги кўпгина йирик корпорациялар, хусусан трансмиллий фаолият юритувчи ташкилотлар, ҳисоботларни икки тилда — CAS ва МХХС форматида тайёрлашни йўлга қўйган. Бу сармоядорлар учун ҳисобот маълумотларини солиштириш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилишда кенг имконият яратади. Айниқса, Гонконг ва Шанхай биржаларида рўйхатдан ўтган компаниялар МХХСга мос ҳисобот тақдим этишлари орқали халқаро сармоя киришига йўл очмоқда.

Хитойнинг бундай ёндашуви давлатнинг иқтисодий мустақиллигини сақлаган ҳолда халқаро молия тизимида ишончли иштирок этувчи субъект сифатида фаолият юритишини таъминламоқда. Миллий стандартларни МХХС билан уйғунлаштириш орқали мамлакат ҳисобот тизимини глобал талабларга яқинлаштирмоқда, бироқ бу жараёнда ички ҳуқуқий ва молиявий

тизим устувор ҳисобланади. Бу ҳолат Хитойнинг стратегик ва эҳтиёткор молиявий сиёсатини яна бир бор намоён этади.

Хитой тажрибасидаги яна бир муҳим жиҳат — давлат томонидан ҳисобот стандартларини тарғиб қилишда қатъийлик ва марказлаштирилган сиёсатнинг мавжудлигидир. Барча йирик ва давлатга тегишли корхоналар белгиланган муддатларда CAS асосида ҳисобот юритиши шарт қилиб қўйилган. Шу билан бирга, бу ҳисоботларда МҲХС принциплари аста-секин интеграция қилинаётгани аниқ кўриниб турибди.

Ўз навбатида, бу ёндашув халқаро молиявий ташкилотлар томонидан ҳам тан олинган. IFRS Foundation Хитой миллий стандартларини МҲХСга мувофиқлик даражаси бўйича юқори баҳолаб, уни жаҳондаги энг яқинлаштирилган тизимлардан бири деб эътироф этган.

Хитой тажрибаси шундан далолат берадики, МҲХСни жорий этишда тўлиқ қабул қилиш ягона йўл эмас. Мамлакат ўз миллий талабларини сақлаган ҳолда, халқаро стандартларни мазмунан қабул қилиш ва амалга тадбиқ этиш орқали ҳам глобал иқтисодий жараёнларда иштирок эта олади. Бу эса ўз навбатида ҳисобот тизимидаги аниқлик, сармоялар учун ишончли муҳит ва корпоратив бошқарувнинг такомиллашуви каби натижаларни беради.

Ўзбекистон учун Хитой модели ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилишга арзийди. Хусусан, миллий стандартларни халқаро талабларга уйғунлаштириш, давлат корхоналарини босқичма-босқич МҲХСга мослаштириш ва ички норматив базани стратегик ислоҳ қилиш борасида Хитойнинг муваффақиятли тажрибасидан фойдаланиш мумкин. Бу орқали мамлакат халқаро бозорларда рақобатбардошликни ошириш ва сармоя оқимини фаоллаштириш имконига эга бўлади.

Шу тариқа, турли мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, МҲХСни татбиқ этишда давлатнинг институционал салоҳияти, иқтисодий ўсиш даражаси, миллий сиёсий ёндашув ва кадрлар сиёсати ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўзбекистон учун ушбу халқаро тажрибалар амалиётда юзага келиши мумкин бўлган тўсиқлар, ечимлар ва натижаларни олдиндан англаш, шунингдек, МҲХСга самарали ўтиш бўйича йўл харитасини белгилашда муҳим манба ҳисобланади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)ни жорий этиш нафақат ҳисобот тизимини янгилаш, балки мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ва халқаро бозорга интеграциялашуви учун муҳим стратегик мезон ҳисобланади. Буюк Британия, Германия ва АҚШ каби иқтисодий етакчи мамлакатлар ўз миллий ҳисобот тизимларини халқаро стандартларга мослаштириш орқали молиявий шаффофлик, сармоядорлар учун ишончли ахборот муҳити ва бизнес муҳитининг барқарорлигини

таъминлашга эришган.

Буюк Британия тажрибасида кўриниб турибдики, МҲХСга ўтиш орқали ҳисоботдаги даромад ва активларнинг реал акс эттирилиши, шунингдек, капитал бозорларидаги фаолликни оширишга эришилган. Кичик ва ўрта корхоналар учун махсус соддалаштирилган FRS 102 стандарти жорий этилиши бу жараёни умумлашган, лекин мантиқий йўл билан амалга ошириш имконини берган.

Германиядаги амалий ёндашув, миллий бухгалтерия тизими бўлган HGB билан МҲХС талабларини уйғунлаштириш орқали ҳуқуқий ислохотлар асосида амалга оширилган. Бу тажриба халқаро стандартларни миллий қонунчилик тизимига мувофиқлаштириш қанчалик муҳим эканини кўрсатади. Аммо солиқ ҳисоботи ва молиявий ҳисобот ўртасидаги фарқлар муайян муаммоларни келтириб чиқарган.

1-жадвал.

МҲХСнинг минтақалар бўйича қўлланилиши¹⁴

Минтақа	Давлатлар	МҲХСни аксарийат маҳаллий АЖ лардан талаб қилувчи давлатлар	Минтақадаги давлатлар фоизи	МҲХС фақат айрим АЖ лардан қилинадиган ёки рухсат этилган давлатлар	Ҳеч қандай ташкилотлардан талаб қилмайдиган давлатлар сони
Европа	43	42	98%	1	0
Африка	19	15	79%	1	3
Яқин Шарқ	9	8	89%	1	0
Осиё-Океания	32	24	75%	3	5
Америка	37	27	73%	8	2
Жами	140	116	83%	14	10
Умумий фоиз	100%	83%	83%	10%	7%

АҚШ эса ўзининг ГААР тизимига таянади. Бу тизим жаҳонда энг кўп деталлашган, аниқ ва қоидаларга асосланган ҳисобот тизими ҳисобланади. МҲХС тўлиқ қабул қилинмаган бўлса-да, АҚШ томонидан конвергенция — яъни икки тизимни яқинлаштириш сиёсати олиб борилаётгани кузатилмоқда. Бу, ўз навбатида, халқаро сармоядорлар учун маълум маълумотларни тақдим этишда мувозанатни таъминлайди.

Шунингдек, Хитой ва Вьетнам каби давлатларнинг тажрибаси кўрсатадики, МҲХСга тўлиқ ўтиш нафақат техник, балки кадрлар, тил, таржима, инфратузилма ва институционал ислохотлар талаб этади.

¹⁴ Pacter P. IFRS as Global Standards: A Pocket Guide. – London: IFRS Foundation, 2015. – B. 6

Вьетнамда мутахассислар етишмаслиги, Хитойда эса миллий стандартларни МХХСга яқинлаштириш орқали босқичли ёндашув кўпроқ амал қилинмоқда.

Бундай стандартларни татбиқ этган давлатлар қаторига Европанинг кўпчилик мамлакатлари, Австралия, Бразилия, Канада, Жанубий Корея ва Жанубий Африка каби етакчи иқтисодиётлар киради. Шу билан бирга, айрим давлатлар МХХСни тўлиқ эмас, балки фақат йирик субъектлар учун мажбурий тарзда жорий қилган ва кичик корхоналарга ихтиёрий танлов имкониятини тақдим этган.

Молия вазирлиги маълумотларига кўра, 2021 йилда МХХС асосида ҳисобот юритувчи ташкилотлар сони 150 тани ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 210 тадан ошиб кетган. Шу билан бирга, аввалги босқичларда айрим корхоналар учун стандартларга ўтиш жараёнида қўшимча харажатлар, кадрлар танқислиги ва инфратузилмавий масалалар тўсиқ бўлган

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ–4611-сонли “Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

30. Ҳайдаров М.М. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари: назарий ва амалий жиҳатлари. – Т.: Иқтисодиёт ва молия, 2021. – 276 б.

31. Pacter P. IFRS as Global Standards: A Pocket Guide. – London: IFRS Foundation, 2015. – В. 5

32. Салимов Б.Ҳ. Халқаро бухгалтерия ҳисоботи ва унинг Ўзбекистон амалиётида қўлланилиши. – Т.: ТДИУ нашриёти, 2020. – 190 б.

33. Солодков В.А. Международные стандарты финансовой отчетности. – М.: Финансы и статистика, 2019. – 432 с.

34. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. – М.: Инфра-М, 2020. – 320 с.

35. Киреева И.А. Бухгалтерский учет по МСФО. – М.: Дашков и К°, 2021.